

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ, БОШ ИЛМИЙ МЕТОДИК МАРКАЗ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

АХМЕДОВ МУРОДЖОН УБАЙДУЛЛАЕВИЧ

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМ СИФАТИ МОНИТОРИНГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Ахмедов Муроджон Убайдуллаевич Умумтаълим мактаб директорларининг малакасини ошириш жараёнида таълим сифати мониторингини такомиллаштириш	3
Ахмедов Муроджон Убайдуллаевич Совершенствование мониторинга качества образования в процессе повышения квалификации директоров общеобразовательных школ	21
Akhmedov Murodjon Ubaydullaevich Improving the monitoring of the quality of education in the process of professional development of general secondary school principals	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	45

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ, БОШ ИЛМИЙ МЕТОДИК МАРКАЗ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

АХМЕДОВ МУРОДЖОН УБАЙДУЛЛАЕВИЧ

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМ СИФАТИ МОНИТОРИНГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.Phd/Ped487 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.avloniy.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳманқулова Наргиз Хаджиакбаровна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Мақсуджон Абдуллаевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Асқаров Аброр Давлатмирзаевич
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Бош илмий методик марказ ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.05.2018.Ped.68.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; e-mail: avloniy@xtv.uz).

Диссертация билан Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.Э. Қурбонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис ўринбосари, п.ф.д., профессор

Ф.Э. Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа доктори (Phd.), доцент

Э.Р. Юзликаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, пед.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда интеллектуал салоҳиятли кадрларга ортиб бораётган эҳтиёж таълим сифатини доимий такомиллаштириб бориш заруратини юзага келтирмоқда. Ривожланган мамлакатларда инсон капитали сифатини оширишда таълим сифати мониторинги ва уни баҳолаш технологиялари алоҳида аҳамият касб этиб, ЮНЕСКО таълим сифатини юритиш сектори (Education Sector) нинг 2030 йилгача белгилаган халқаро таълим концепциясида «таълим сифатини самарали мониторинг қилиш ва баҳолаш технологияларини ишлаб чиқиш»¹ га алоҳида эътибор қаратилган. Унда таълимни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, рақобатбардош ва профессионал кадрларни тайёрлашда таълим муассасаси раҳбарларининг замонавий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш долзарб вазифа этиб белгиланган.

Ҳозирда дунёдаги етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида раҳбар ходимларнинг малакасини оширишга йўналтирилган янги самарали таълим моделларини шакллантириш ва уларни амалга оширишнинг инновацион технологияларини яратишга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар доирасида Европа олий таълим сифатини таъминлаш ассоциациясида кадрлар компетенциясини ривожлантириш ва унга қўйилган талаблар, касбий ва бошқарув маҳоратларини баҳолаш мезонлари, АҚШ таълим сифатини таъминлаш бўйича марказда (National Center for Education Quality) таълим сифатини комплекс мониторинги, кадрлар касбий стандартларини такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш малакали таълим менежерларига бевосита боғлиқ. Ҳозирда умумтаълим мактаб директорлари малакасини ошириш таълим сифати мониторингини ташкил этиш ва уларнинг компетентлигига қўйиладиган умумий талабларни классификациялаш, мактаб директорларининг менежерлик кўникмаларини баҳолаш мезонларини жорий этиш, малака ошириш таълим сифати мониторингини такомиллаштиришга оид кўрсаткич ва мезонларни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Шу мақсадда «... ёшларни мақсадли тарбиялаб бориш, уларни мактаб давридан селекция қилиш, кейинчалик олий ўқув юртларига қамраб олиш бўйича самарали механизмни жорий этиш. Халқ таълими тизимида ўқув жараёнига мутлақо янги ёндашувларни ва методик дастурларни жорий этиш»² каби устувор вазифалар белгиланган. Мазкур вазифалар мактаб директорларининг малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш, жумладан, таълим сифати мониторингида замонавий ёндашувларни қўллашни тақозо қилади.

¹Designing effective monitoring and evaluation of education systems for 2030: A global synthesis of policies and practices (UNESCO Education Sector Division for Policies and Lifelong Learning Systems, January 2016), p 38,52,77

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалалари»га бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги 34-сон йиғилиш баёни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармонлари, 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3931-сон Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз олимларидан таълим сифати мониторингини амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари, таълим сифатини бошқаришни такомиллаштириш, умумий ўрта таълим сифати мониторингига тизимли-фаолиятли ёндашувни жорий этиш масалалари Р.Джураев, У.Иноятов, С.Турғунов, Ш.Қурбоновларнинг ишларида тадқиқ этилган бўлса, А.Абдуқодиров, У.Бегимқулов, А.Бегматов, Х.Ибрагимов, Ҳ.Йўлдошев, Н.Раҳманкулова, А.Хўжаев, Ш.Шариповлар томонидан ўқув-тарбия жараёнининг педагогик мониторинги ва уни ташкил этишда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида баҳолаш масалалари ўрганилган. Халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш жараёнларида таълим сифати мониторингини амалга ошириш, умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиш сифати мониторингини такомиллаштириш, кадрларни тайёрлаш ва масофадан малакасини ошириш жараёнида таълим сифати мониторингини ташкил этишнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари Г.Я.Алимова, А.Д.Асқаров, М.М.Ваҳобов, Ж.Ғ.Йўлдошев, М.А.Юлдашев ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида таълим сифати мониторинги, шу жумладан, таълим сифатини комплекс мониторинг қилиш, миқдор ва сифат кўрсаткичларини амалда қўллашнинг муаммо ва ечимлари бўйича П.Ф.Анисимов, В.П.Беспалько, Г.А.Бордовский, Н.К.Горшкова, Е.Б.Купцова, А.Н.Майоров, О.Л.Назарова, Д.Ш.Матрос, Н.Н.Мельникова, А.А.Нестеров, Д.М.Полев, М.М.Поташник, К.М.Ушаков ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар амалга оширилган.

Хориж олимларидан М.Альберт, В.Грини, М.Мескон, Т.Келлаган, Т.Скотт Мюррей, Ф.Хедоурилар томонидан таълим сифатини самарали назорат қилишнинг ташкилий-методологик асослари назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганилган. Шунингдек, W.Jhon Morgan, Tony Bush, Lawrence A.Sherr, Deborah J.Teeter, C.Taylor, Sandhya Sangailar олиб борган

тадқиқотларда таълим муассасасини бошқариш жараёнида мониторинг ва баҳолашнинг аҳамияти илмий асосланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда умумтаълим мактаб директорларининг малакасини ошириш жараёнида таълим сифати мониторингини такомиллаштириш масаласи алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлигини кўрсатиб ўтиш жоиз.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2016-0910145757-қайд рақамли – “Халқ таълими ходимларининг малака ошириш курсларидан кейинги фаолиятларини педагогик қўллаб-қувватлаш технологияларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумтаълим мактаб директорлари малакасини ошириш жараёнида таълим сифати мониторингини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумтаълим мактаб директорлари малакасини оширишда таълим мазмуни ва сифати ҳамда компетентлигига қўйиладиган Давлат талабларини директорларнинг малака тавсифлари ва бошқарув фаолияти хусусиятларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш;

малака ошириш жараёни таълим сифати мониторингининг механизмларини мактаб директорларининг креатив ва ижодий фикрлаш ҳамда самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш кўникмаларини баҳолаш орқали такомиллаштириш;

узлуксиз касбий ривожлантириш Ягона ахборот платформасининг мактаб директорлари билим ва менежерлик кўникмаларини баҳолаш компонентларини ишлаб чиқиш;

умумтаълим мактаб директорларининг менежерлик курслари самарадорлиги даражасини таълим сифати мониторингини амалга ошириш нуқтаи назаридан аниқлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида 3934 нафар умумтаълим мактаб директорлари малакасини ошириш курсларидаги таълим сифати мониторинги жараёнлари.

Тадқиқотнинг предметини умумтаълим мактаб директорларининг малакасини ошириш жараёнида таълим сифати мониторингини ташкил қилиш тартиби, босқичлари, параметрлари ҳамда баҳолаш технологиялари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий таҳлил, кузатиш, суҳбат, умумлаштириш, моделлаштириш, анкета сўровлари, тест, тажриба-синов натижаларини қайта ишлаш ва таҳлил этиш, математик статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мактаб директорлари компетентлигига қўйиладиган Давлат талаблари уларнинг малака тавсифи ва ўқув-тарбиявий, педагогик, молия-иқтисод,

жамоатчилик билан ишлаш бўйича бошқарув фаолияти йўналишларини инobatга олган ҳолда такомиллаштирилган;

малака ошириш жараёнидаги таълим сифати мониторинг механизми мактаб директорларининг креатив ва ижодий фикрлаш ҳамда самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш компетенцияларини баҳолаш босқичи (IQ ва EQ тестлар) ни жорий этиш асосида такомиллаштирилган;

малака ошириш курслари таълим сифати мониторинги самарадорлиги мактаб директорларини узлуксиз касбий ривожлантириш ягона ахборот платформасининг директорларнинг менежерликка оид билимлари, стратегик режалаштириш ва лойиҳаларни бошқариш, коммуникатив ва ахборот технологиялари бўйича кўникмаларини баҳолаш компонентларини ишлаб чиқиш асосида аниқлаштирилган;

мактаб директорлари малакасини ошириш таълим сифати мониторинги менежерлик курслари самарадорлигининг уч даражасини аниқлаштириш (билим даражаси, менежерлик кўникмаси, бошқарув малакаси) асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

«малака ошириш таълим сифати мониторинги», «таълим сифатини баҳолаш» ва «менежерлик кўникмалари» тушунчалари мазмун-моҳияти муаллифлик ёндашуви асосида педагогик талқин қилинган;

умумтаълим мактаб директорларининг малакасини ошириш курсларидаги таълим мазмуни ва сифатига қўйилган давлат талаблари, ўқув режа ва дастурлари таълим сифати мониторинги ва баҳолаш технологияларига мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

умумтаълим мактаб директорларининг билими ва менежерлик кўникмаларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиб, малака ошириш курсларидаги таълим жараёнига жорий этилган;

умумтаълим мактаб директорларининг менежерлик кўникмаларини инobatга олган ҳолда, уларнинг малака тавсифлари ишлаб чиқилган;

умумтаълим мактаб директорларининг малакасини ошириш таълим сифати мониторингининг узлуксиз касбий ривожлантириш платфoрмаси жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган моделлар, механизмлар ва таркибий тузилмалар малака ошириш таълим муассасаларида мониторинг ва баҳолаш жараёнини мувофиқлаштириш, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш, халқ таълими муассасалари раҳбар ва педагог ходимларининг билим, кўникма ва малакаларини тизимли мониторинг қилиш, баҳолаш тизимини ривожлантиришда фойдаланилиши мумкинлиги билан аҳамиятли.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумтаълим мактаб директорларининг малакасини ошириш жараёнидаги таълим сифати мониторингини янада такомиллаштириш бўйича меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурларини тайёрлашда, малака ошириш таълими мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқиш, тингловчиларнинг малака оширишдан кейинги фаолияти самарадорлиги мониторинги механизмини такомиллаштиришда қўлланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумтаълим мактаб директорларининг тайёргарлиги ва компетентлигига қўйилган талабларига доир таклифлардан «Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълимининг мазмуни ҳамда сифатига қўйиладиган Давлат талаблари»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (О'zStandart Давлат агентлигида 2018 йил 10 апрелда О'zDSt 36.2033:2018 2033-қайд рақами билан рўйхатга олинган. Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 21 августдаги 02-02/4-200-сон маълумотномаси). Натижада, малака ошириш жараёнидаги таълим сифати мониторинги мактаб директорларининг тайёргарлиги ва компетентлигига қўйилган талаблар асосида амалга оширилиши таъминлаган;

малака ошириш жараёнида таълим сифати мониторингини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш юзасидан берилган таклифлардан умумтаълим мактаб директорларининг креатив ва ижодий фикрлаш ҳамда самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш кўникмаларини баҳолаш босқичларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 21 августдаги 02-02/4-200-сон маълумотномаси). Натижада, мактаб директорларининг малакасини ошириш жараёнида уларнинг билими ва бошқарув (менежерлик) кўникмаларини баҳолаш имкони юзага келган;

мактаб директорларини узлуксиз касбий ривожлантиришга оид таклифлардан малака ошириш курсларида таълим сифати мониторинги самарадорлиги ва директорларнинг бошқарув фаолиятини ташхислаш механизмини жорий этишда фойдаланилган. (Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 21 августдаги 02-02/4-200-сон маълумотномаси). Натижада, узлуксиз касбий ривожлантириш ягона ахборот платформасида мактаб директорларининг стратегик режалаштириш, лойиҳа бошқаруви, коммуникатив ва ахборот технологиялари бўйича кўникмаларини баҳолаш имкони вужудга келди;

малака ошириш жараёнида таълим сифатини баҳолаш нуқтаи назаридан умумтаълим мактаб директорлари учун ташкил этилган менежерлик курслари самарадорлигини аниқлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлардан «Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимлар малакасини ошириш курслари якуний аттестацияси тўғрисидаги Низом»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 21 августдаги 02-02/4-200-сон маълумотномаси). Натижада, умумтаълим мактаб директорларининг менежерлик курслари самарадорлигини тингловчиларнинг билим даражаси, менежерлик кўникмаси ва бошқарув малакаси каби даражаларда аниқлаш имкони юзага келган;

малака ошириш жараёнидаги таълим сифатига таъсир кўрсатувчи омиллар қаторида профессор-ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти мониторингига доир

таклифлар асосида профессор-ўқитувчиларнинг иш турлари ҳажмини ҳисоблаш қоидаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 21 августдаги 02-02/4-200-сон маълумотномаси. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликларининг 2019 йил 29 мартдаги 7-мх, 13/1 к/к, 13-2019-1- к/к-сон қўшма қарори). Натижада, малака ошириш таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг фаолияти устидан самарали педагогик мониторингни амалга ошириш имконияти вужудга келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот доирасида жами 22 номдаги илмий иш, жумладан, 1 та ўқув-методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан, 18 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, эълон қилинган нашрлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Умумтаълим мактаб директорларининг малакасини ошириш жараёнида таълим сифати мониторингининг назарий-методологик асослари**» деб номланиб, мактаб директорларининг малакасини оширишда таълим сифати мониторингининг ҳозирги ҳолати, таълим сифати мониторингини ривожлантириш тенденциялари, малака ошириш жараёнида таълим сифати мониторингини амалга ошириш ва уни баҳолашнинг назарий-методологик асослари таҳлил қилинган.

Умумтаълим мактаб директорларининг малакасини ошириш жараёнида таълим сифати мониторингига доир тадқиқотларни ўрганиш натижалари мониторингга оид изланишлар асосан олий таълим тизимига кирувчи таълим муассасалари мисолида амалга оширилгани аниқланди. Мазкур изланишларда узлуксиз таълимнинг муҳим таркибий қисми бўлмиш малака ошириш босқичида таълими сифати мониторинги муаммолари алоҳида тадқиқот иши сифатида қаралмаган.

Таълим сифати мониторинги масалаларини муҳокама қилишда унинг ўтказиш босқичлари, тизимли ва комплекс мониторинг, мониторингнинг параметр ва кўрсаткичлари ҳамда таълим сифатининг баҳоланиши ҳақида сўз юритилади.

Бу йўналишдаги тадқиқот ишларининг назарий ва методологик асосларини ўрганиш мобайнида «мониторинг», «баҳолаш» ҳамда «таълим сифатини мониторинг қилиш ва баҳолаш» тушунчаларига берилган таърифлар даврий равишда ўзгариб турганлигини таъкидлаш мумкин. Шунингдек, кейинги вақтларда педагогикага оид замонавий адабиётлар ва бошқа манбаларда «таълим сифати диагностикаси», «диагностик мониторинг», «таълим сифати экспертизаси» ва «квалиметрик мониторинг» каби тушунчалар муомалага киритилди.

Ушбу атамаларга нисбатан илмий манбаларда берилган фикр ва мулоҳазаларни тадқиқ этган ҳолда, куйидаги таъриф шакллантирилди. Таълим сифати мониторинги – таълим сифатини баҳолаш, уни диагностика қилиш ва прогнозлаш мақсадида ўтказиладиган педагогик ва ўқув-тарбиявий фаолиятга оид маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш, таҳлил натижаларини умумлаштириш ва малака ошириш таълимини коррекциялашдан иборат узлуксиз жараён дир.

Демак, малака ошириш таълим сифати мониторинги таълим жараёни барча иштирокчиларини таълим хизматлари сифати, малака ошириш таълим муассасасининг моддий-методик таъминоти, бошқарувнинг ҳуқуқий-меъёрий, стратегик, технологик, ташкилий жиҳатлари ҳолати, уларни такомиллаштириш бўйича изчил ва мақбул маълумотлар билан таъминлайдиган педагогик амалиёт ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон Қарорида асосан умумтаълим муассасалари раҳбарлари халқ таълими соҳасидаги менежерлик кўникмаларига эга бўлиши кераклиги таъкидланган. Шу жиҳатдан малака ошириш жараёнида таълим сифатини мониторинг қилиш ва баҳолашда умумтаълим муассасалари раҳбарларининг менежерлик кўникмалари ривожланганлик даражасига эътибор қаратилди. Менежерлик кўникмалари – бу раҳбарнинг функционал вазифаларини сифатли бажариш учун талаб этиладиган билим, компетенция ва малака даражасидир.

Тадқиқот натижаларига кўра таълим сифатини баҳолаш нуқтаи назаридан умумтаълим мактаб директорлари учун ташкил этилган менежерлик курслари самарадорлигининг уч даражаси илмий асосланди.

1-билиш даражаси – малака ошириш ўқув модуллари доирасидаги билимларни эслаб қолиш ва тушунтириб бера олиши.


2-менежерлик кўникмасига эга бўлиш даражаси – ўзлаштирилган билимларни бошқарув фаолиятининг турли вазиятларида қўллаш олиши.

3-бошқарув малакасига эга бўлиш даражаси – эгалланган билим, менежерлик кўникмаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятида амалий қўллаш олиши ва янги билимларни ҳосил қила олиш лаёқатига эга бўлиш.

Мактаб директорларининг компетентлигини ифодалашда уларнинг малакасини ошириш жараёнидаги билимлар, тажрибалар ва мойилликка асосланган топшириқ ва вазифаларни самарали амалга ошира олишларига оид

умумий лаёқатлари назарда тутилди. Малака ошириш таълими директорнинг ижтимоий-касбий билими ва бошқарув компетенцияларининг ривожланиши билан боғлиқ эҳтиёжлари ва интилишларини белгилайди.

Умумтаълим мактаб директорлари малакасини оширишдаги таълим сифати мониторинги жараёни ўзаро алоқадор, нисбатан мустақил педагогик жараён ва категорияларнинг узвий муносабатидан ташкил топган (1-расм).



1-расм. Умумтаълим мактаблари раҳбарларининг билим, кўникма ва малакасини баҳолаш жараёни

Малака ошириш жараёнидаги таълим сифатини ўқув фаолиятининг турли йўналишларини ифодаловчи кўрсаткичлар, жумладан, малака ошириш таълими мазмуни, малака ошириш шакллари ва методлари, муассасанинг моддий-техник базаси, педагог кадрлар таркиби кабиларнинг мажмуаси белгилайди. Буларнинг барчаси бир бутун тарзда мактаб директорининг компетентлигини ривожлантириш имконини беради.

Шу жиҳатдан умумтаълим муассасалари раҳбар ходимларининг таълим сифати икки йўналишга эга:

1. Ўқув жараёнининг давлат талабларига мослиги.
2. Ўқув жараёнининг буюртмачи талабларига мослиги.

Тадқиқот жараёнидаги таҳлиллар малака ошириш таълим сифати комплекс кўрсаткичлар тизимидан иборат бўлиб, тизимли мониторингни олиб боришни тақозо қилмоқда. Тизимли мониторинг – малака ошириш таълим сифатини баҳолаш мақсадида, малака ошириш тизимининг манфаатдор барча бўғинларини қамраб олган ҳолда, сифатнинг комплекс кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни жамлаш, таҳлил этиш ва коррекциялаш жараёни.

Умумтаълим мактаб директорларининг малакасини ошириш таълими самарадорлигини аниқлаш мақсадида малака ошириш курсида олган билим, шакланган кўникма ва малакаларнинг уларнинг касбий фаолиятига таъсири ўрганилди.

Малака ошириш таълими жараёни (1 ой) ва курсдан кейинги фаолиятидаги мустақил таълим олиш даврлари (3-5 йил) ўртасидаги тизимли мониторингнинг ташкил этилиши, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби «Малака оширишда таълим сифати тизимли мониторинги ва баҳолаш технологияларини ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий асослари» деб номланган ва мазкур бобда умумтаълим мактаб директорларининг малакасини ошириш жараёнида таълим сифати мониторинги муаммолари атрофлича таҳлил қилинган. Шунингдек, малака ошириш таълим сифати мониторингининг замонавий модели ва баҳолаш технологияларига доир хорижий тажрибалар асосида умумтаълим мактаб директорларининг малака ошириш курсидан кейинги фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш орқали улардаги менежерлик кўникмаларини баҳолаш жараёни ва малака ошириш тизимида таълим сифати мониторингининг такомиллаштирилган модели ишлаб чиқилган.


Диссертацияда умумтаълим мактаб директорлари малакасини ошириш таълим сифатига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили асосида таълим сифати мониторинги такомиллаштирилди. Умумтаълим мактаб директорлари малакасини ошириш жараёнидаги таълим сифати кўрсаткичлари шартли равишда миқдорий (квалиметрик) ва сифат кўрсаткичлари сифатида таснифланди.

Диссертацияда умумтаълим мактаб директорларининг малака ошириш курсларидан кейинги фаолияти мониторинги модели таклиф қилинди (2-расм).

Моделда умумтаълим мактаб директорлари малакасини ошириш жараёнидаги таълим сифати мониторинги самарадорлигини таъминлашда мактаб директорининг курсгача бўлган даврдаги бошқарув фаолияти мониторингига аниқлик киритилди. Тадқиқот натижалари асосида тизимли мониторингни ташкил этишда директорларнинг курсдан кейинги фаолияти мониторингини амалга ошириш ва баҳолаш жараёнининг вазифалари, қўлланадиган мезон ва баҳолаш технологияларидан иборат тизим ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларига кўра мактаб директорлари малакасини ошириш жараёнида таълим сифати мониторингининг асосий функциялари қуйидагилардан иборат эканлиги аниқланди: а) ахборот – таълим сифати кўрсаткичлари тўғрисида ишончли маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таълим истеъмолчилари ва бошқарув кадрларини ишончли маълумотлар билан таъминлаш; б) таҳлилий баҳолаш – сифат кўрсаткичлари динамикасини аниқлаш, тизимли баҳолаш ва қиёсий таҳлиллар тайёрлаш; в) мотивацион-рағбатлантирувчи – таҳлилий маълумотларни ўқув жараёни иштирокчиларининг онги ва ҳиссиётларига таъсири. Рағбатлантирувчи функция мониторинг маълумотларини таълим истеъмолчилари бўлган барча кузатув субъектларига кучли рағбатлантирувчи таъсирни таъминлайди; г) назорат – ўқув натижаларини доимий равишда кузатиб бориш ва уларни дастлабки натижалар билан таққослаш, шунингдек режалаштирилган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш (тадбирлар саналари режалаштирилган саналарга мувофиқлиги, ўқитувчилар ҳаракатларининг тавсия этилган тузатиш ҳаракатларига мувофиқлиги ва бошқалар); д) ташхислаш – мониторинг маълумотлари асосида келажакда кутиладиган ҳодиса ривожланишининг умумий манзарасини ишончли тақдим этиш ҳамда педагогик жараённи ўзгартириш учун тезкор ва стратегик режаларни ишлаб

чиқишни илмий асослаш имконияти билан боғлиқ педагогик прогнозлаш; е) коррекциялаш – бу таълимдаги оғишларни, таълим жараёнидаги муаммоларни тузатиш ва уларнинг олдини олиш бўйича тегишли чораларни ишлаб чиқиш.



2-расм. Умумтаълим мактаб директорларининг малака ошириш курсларидан кейинги фаолияти мониторинги модели

Малака ошириш таълими сифатини мониторинги жараёнларини тадқиқ этганимизда, тест синовлари шаклида умумтаълим мактаб директорларининг асосан касбий-назарий билимлари баҳоланиши аниқланди. Ваҳоланки, бугунги раҳбар касбига оид замонавий билимлар билан бирга, мактабни ривожлантириш ва ўқув жараёнини самарали бошқариш, персонални бошқариш ва иш юритиш, ижтимоий алоқалар ва ўз-ўзини ривожлантириш каби кўникмаларга эга бўлиши талаб этилмоқда.

Дунёнинг ривожланган давлатларида таълим мазмунини модернизация қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида таълимда компетенциявий ёндашувни жорий этиш масаласига асосий эътибор қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, умумтаълим мактаб директорларининг ўзларига ҳам, хусусан, уларнинг касбий ва менежерлик компетенцияларига улкан талаблар қўймоқда. Бироқ, раҳбар ходимлар фаолиятини баҳолаш ёки уларнинг аттестацияси компетенциявий ёндашувга асосланмаган. Умумтаълим мактаб директорлари фаолияти самарадорлиги баҳоланаётганда, асосан, уларнинг лавозимига ёки мутахассислигига оид билимлари текширилмоқда.

Тадқиқот натижалари умумтаълим мактаб директорлари фаолиятига қўйилган малака тавсифлари турли мамлакатларда турлича эканлигини кўрсатди. Жумладан, ривожланган давлатларда умумтаълим мактаб директорлари фаолияти касбий стандартлар асосида тартибга солиниши аниқланди.

Умумтаълим мактаб директорларининг малакасини ошириш жараёнида таълим сифатини назорат қилиш қўйидаги механизмларни ўз ичига олади:

малака ошириш таълим муассасаси томонидан амалга ошириладиган ички мониторинг (кириш тести орқали дастлабки назорат, ўқитилаётган фан модуллари бўйича оралиқ, якуний назорат ва бошқалар) (1-жадвал);

1-жадвал

Менежерлик курслари тингловчилари билим ва кўникмаларининг ички назорат механизмлари

Назорат босқичлари ва кўрсаткичлар	Дастлабки назорат		Оралиқ назорат		Якуний назорат	
	Билимидаги бўшлиқ	Кўникма даражаси	Билимидаги бўшлиқларни коррекциялаш	Кўникма даражасини ривожлантириш	Билими	Кўникма даражаси
Назорат жараёни	АНИҚЛАНАДИ		БАҲОЛАНАДИ		БАҲОЛАНАДИ	
Билим ва кўникмаларни баҳолаш шакли	Кириш тести	Диагностик таҳлил (самарадорлик сўрааткич), интeрвью сўровнома, IQ, EQ-тест	Дарс машғулотлари, мустақил ва дарсдан ташқари таълим	Self assessment, дарс машғулотлари ва тингловчи лойиҳаси 'мактаб йўл харитаси' ни шакллантириш жараёни	Чикиш тести	IQ, EQ-тест, кўникмаларини баҳолаш индикаторлари асосида
Билим ва кўникмалар мазмуни	«Менежерлик курслари» ўқув дастури асосида ижтимоий, умумкасбий ва мутахассислик блоки бўйича билимлар	мактабни ривожлантириш стратегияси; персонални бошқариш; ижтимоий алоқалар ва ўз-ўзини ривожлантириш	Малака ошириш жараёни, аудитория машғулотлари, мустақил таълим ва дарсдан ташқари машғулотлар, менежер лабораторияси	Компетенциявий ёндашув асосида дарс машғулотли олиб бориш кейс-стади, танқидий фикрлаш, аналитик таҳлил, корпоратив ва натижага асосланган бошқариш кўникмалари	«Менежерлик курслари» ўқув дастури асосида ижтимоий, умумкасбий ва мутахассислик блоки бўйича билимлар	Ижодий иш химояси, муассасани ривожлантириш бўйича йўл харитаси, self assessment

малака ошириш курси тингловчилари учун курснинг ўқув модуллари бўйича якуний аттестация синови (чиқиш тести) ва малака ҳимоясини ўз ичига оладиган якуний назорат;

Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси томонидан аттестация ва тезкор диагностика шаклида амалга ошириладиган ташқи назорат.

Ички назорат кириш тести орқали дастлабки назорат, ўқитилаётган фан модуллари бўйича оралиқ назорат ва бошқа назорат турларидан иборат бўлиб, малака ошириш таълим муассасаси томонидан ўтказилади.

Диссертациянинг «Умтаълим мактаб директорларининг малакасини ошириш жараёнида таълим сифати мониторингини такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобида умумтаълим мактаб директорларининг малакасини ошириш жараёнида таълим сифати мониторингини такомиллаштиришга қаратилган тажриба-синов дастури асосида олиб борилган амалий тадқиқот натижалари таҳлили келтирилган.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда: аниқловчи (2016-2017), таъкидловчи-шакллантирувчи (2017-2018) ва якунловчи (2018-2019) босқичларда амалга оширилган бўлиб, А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда буюртмачиларни (худудий халқ таълими бошқармалари, халқ таълими бўлимлари ва таълим муассасаларини) камраб олган ҳолда ўтказилди.

Тажриба-синов ишлари малака ошириш жараёнида умумтаълим мактаб директорларининг касбий билим ва менежерлик кўникмалари даражаси мониторингини такомиллаштиришга қаратилди. Тажриба-синов даврида назорат ва тажриба гуруҳлари таркибининг ўхшашлиги ҳисобга олинди. Умумтаълим мактаб раҳбарларининг «Менежерлик курслари»да эгаллаган билим ва кўникмалари (компетенциялари) мониторинги бевосита ўқув жараёнида синовдан ўтказилди.

Институтда ўтказилган тажриба-синовлар даврида (2017-2018) малака ошириш курслари учун яратилган шароитларнинг бир хиллиги (ягона ўқув режа ва дастур, профессор-ўқитувчилар таркибининг ўзгармагани, ўқув жараёни ахборот ва техник таъминотининг бир хиллиги), шунингдек, назорат ва тажриба гуруҳлари таркиби, асосан, ўхшашлиги (ҳар иккала йилда ҳам тингловчилар таркиби маълумот, педагогик ва раҳбарлик иш стажи каби кўрсаткичлар бўйича бир хил нисбатда шакллангани) эътиборга олинган ҳолда, назорат ва тажриба гуруҳларидаги натижалар фақат 2019 йилда ўқув жараёнига киритилган ўзгаришларнинг таъсирини баҳолаш нуқтаи назаридан таққосланди.

Таъкидловчи тажриба-синовлар сифатида 2018 йил институтда ўтказилган малака ошириш курсларида таҳсил олган мактаб директорларининг курс бошида ва сўнггидаги билим савияларини аниқлаш ишлари амалга оширилган бўлса, шакллантирувчи тажриба-синовлар сифатида мазкур институтда 2019 йилда ўтказилган малака ошириш курсларида таҳсил олган мактаб директорларининг курс бошида ва

сўнгидаги билим савияларини аниқлаш ишлари амалга оширилди. Бунда 2018 йилда малака оширганлар назорат гуруҳи ва 2019 йилда малака оширганлар тажриба гуруҳи сифатида белгилаб олинди (2-жадвал).

Назорат ва тажриба гуруҳларида таълим самарадорлиги ягона мезон асосида баҳоланишини таъминлаш мақсадида малака ошириш курси ўқув режасининг ўқув модуллари бўйича уларга ажратилган дарс соатларига мос нисбатларда шакллантирилган ва 100 та саволдан иборат тестдан фойдаланилди. Ўтказилган тест синовида тингловчи томонидан берилган тўғри жавоблар сони асосий кўрсаткич сифатида қаралди.

2017-2018 йилларда малака оширган мактаб директорлари жами сони мос равишда 1984 (назорат гуруҳи) ва 1950 (тажриба гуруҳи) нафарни ташкил этди. Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири тажриба-синов гуруҳидаги тингловчилар билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса назорат гуруҳидаги тингловчилар билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

2-жадвал

Тингловчиларнинг тест синовларида кўрсатган натижалари (Институт маълумотлари таҳлили асосида, фоизда)

Йил Ой	2018 йил		2019 йил	
	Курс бошида	Курс охирида	Курс бошида	Курс охирида
I	29	47	27	65
II	27	48	29	67
III	28	46	27	69
IV	29	49	26	70
V	27	47	26	69
VI	28	48	28	71
IX	29	46	29	73
X	28	50	27	68
XI	26	47	28	69
XII	27	49	28	72
Жами:	278	477	275	693
Ўртачаси:	28	48	28	69


